

Boqiy fikr

Sayyoramizning
ertangi kuni,
farovonligi
farzandlarimiz
qanday inson bo'lib
kamolga yetishi
bilan bog'liq.

Shavkat MIRZIYOYEV



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 20-sentabr, chorshanba № 75 (9036)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 72-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь)

Мухтарам Раис!
Жаноби Олийлари!
Хонимлар ва жаноблар!
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан нутқ сўзлаш имконияти яратилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бизнинг халқимиз бундан бир неча ҳафта олдин ўз давлат мустақиллигининг 26 йиллигини кенг нишонлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз.

Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад — «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат.

Умумхалқ муҳокамасидан сўнг беш йилга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш

стратегияси қабул қилинди. Бу стратегияни ишлаб чиқишда биз ўзимизга четдан назар ташлаб, салоҳият ва имкониятимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик.

Стратегия — бу янгилаш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир. Бу ҳужжат ҳозирги вақтда ҳаётга изчил жорий этилмоқда.

2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди.

Бизнинг мақсадимиз — юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат.

Ишончимиз комил: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар бир миллиондан ортиқ фуқароларимиз бу қабулхоналар орқали ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилди.

Халқро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат-

га барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари жаноб Ал-Хусайннинг ташрифи якунлари бўйича инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хориж-га чиқиш визалари сингари умрини мутлақо ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари бекор қилинди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича миллий ва халқро нодавлат ташкилотлар билан очик мулоқотимиз фаоллашиб бормоқда.

Инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шахсни қамқоқда сақлаш билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар қайта кўриб чиқилди.

Экстремизм ғоялари таъсирга тушиб қолган, тўғри йўлдан адашган фуқаролар ижтимоий реабилитация қилинмоқда, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 сентябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи самарали учрашув ва тадбирларга бой бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. Нутқда билдирилган ғоя ва ташаббуслар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн билан учрашуви бўлиб ўтди.

Президентимиз Ўзбекистон фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, чинакам демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларни қўллаб-қувватлаётгани учун Олий комиссарга миннатдорлик билдирди.

Олий комиссар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлади ҳамда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси кенг қўламли янгилашлар учун мустаҳкам асос бўлаётганини қайд этди.

Зайд Раад ал-Хусайн мамлакатимиз ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси (ИХОКБ) ўртасидаги амалий ва очик мулоқотни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга янги суръат бахш этган 2017 йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи якунларини юксак баҳолади. Июнь ойида парламент Бошқарма билан ҳамкорлик бўйича 90 дан ортиқ тадбирдан иборат ҳаракатлар режасини қабул қилди. ИХОКБнинг Бишкекдаги минтақавий офиси билан фаол ҳамкорлик ривожланмоқда. Сентябрь ойи бошида ушбу офис раҳбари Ўзбекистонда бўлди. Сентябрь ойи охирида БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А.Шаҳиднинг Ўзбекистонга ташриф билан келиши режалаштирилган.

Зайд Раад ал-Хусайн Шавкат Мирзиёевга 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқандда ўтадиган Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг долзарб муаммолари бўйича халқро анжуманда иштирок этишга таклиф қилгани учун миннатдорлик изҳор этди ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан инсон ҳуқуқлари масаласи бўйича амалий ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини билдирди.

(Давоми 3-бетда.)

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ФАРМОЙИШ БЕРУВЧИ ДИРЕКТОРИ КРИСТИН ЛАГАРДА БАЁНОТИ

Халқаро валюта жамғармасининг фармойиш берувчи директори Кристин Лагард 19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан сўнг қуйидагича баёнот берди:

«Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашганимдан гоёта мамнунман. Ўзбекистон раҳбарияти кенг қўламли ислохотларни амалга оширмоқда. Бу, аввало, яқинда амалга оширилган валютани тартибга солиш тизимидаги ўзгаришларга тегишлидир. Биз иқтисодийни мустаҳкамлаш, янада кўп иш ўринлари яратиш, барқарор ва комплекс тараққиётга эришишда муҳим аҳамият касб этадиган ушбу ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз.

Мен Президент Шавкат Мирзиёевни қўшни мамлакатлар билан минтақавий ҳамкорликни яхшилашга доир ташаббуслари билан қутлайман. Минтақавий ҳамкорлик сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, самарали минтақавий энергетика тизимини яратиш ва транспортни ривожлантириш каби йирик муаммоларни ҳал қилишда жуда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистондаги ислохотлар жараёни узоқ давом этади ва бу осон кечмайди. Мен иқтисодий ўсишнинг янада юқори суръатларига эришиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон билан қатъий ҳамкорликка тайёр эканини тасдиқлайман».

ЎЗА

Газетани
варақлаганда:

**Бола
боғчага
қачон
тайёр
бўлади?**



5-бет

**100
баллик
ва 5
баҳолик
тизим
қай бири афзал?**



7-бет

**Осиё
ўйин-
ларидан
медаллар
шодаси**



16-бет

2017-yil 20-sentabr, № 75 (9036)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзи учун ажратилган қароргоҳда Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директори Кристин Лагардни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу учрашувдан мамнунигини билдириб, Халқаро валюта жамғармаси жаҳон иқтисодийётидаги вазиятнинг яхшиланишида муҳим ўрин тутаятигини таъкидлади.

Жамғарма мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватламоқда. Жорий йил май ойида Ўзбекистон делегацияси Халқаро валюта жамғармасида валюта сиёсатини ислох қилиш бўйича учрашув ўтказди. Июль ва сентябрь ойларида Жамғарма экспертлари Ўзбекистонга ташриф буюриб, вазирлик ва идораларда иқтисодий ислохотлар бўйича фикр алмашди.

Жамғарма фармойиш берувчи директори 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ иқтисодий ва таркибий ислохотлар муваффақиятли амалга оширилаётгани билан давлатимиз раҳбарини қутлади.

Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ валюта муомаласида бозор механизмлари жорий этилгани соҳадаги маъмурий тўсиқларни бартараф этди, бизнес вакиллари учун тенг шароитлар яратди.

Кристин Лагард Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт

барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор эканини таъкидлади.

Учрашувда валюта ислохоти жараёнида давлат органлари ва тижорат банкларини қўллаб-қувватлаш, савдодаги тарифларни камайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилди. Давлат бюджетини профитит билан бажариш, солиқ маъмурчилиги ва давлат статистикаси соҳасини тубдан яхшилаш, банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, ташқи савдо сиёсатини эркинлаштириш каби навбатдаги вазифаларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини такомиллаштириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Кристин Лагард Халқаро валюта жамғармаси техник кўмаклашиш ва иқтисодий сиёсат масалалари бўйича тавсиялар бериш орқали Ўзбекистон молия тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШнинг етакчи компаниялари раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэм, «Женерал Электрик» компанияси президенти Рон Полетт, «Ханивелл» компанияси президенти ва ижрочи директори Ражив Гаутам, «СиЭнЭйч Индустриал» компанияси вице-президенти Стивен Надерни, «Дир энд Компани» компанияси президенти Жеймс Филд иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ишбилармонларни самимий қутлаб, Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари

ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишнинг муҳим механизмига айланганини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Кэролин Лэм билан сўхбатда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда Маъмурий ислохотлар концепцияси қабул қилинганини кайд этди. Мазкур ҳужжат давлат бошқарувининг янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратиш, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда валюта соҳасида бозор механизмлари жорий этилгани, савдодаги турли тўсиқлар олиб ташлангани, ишбилармонлик ва инвестиция муҳити янада яхшилаётгани алоҳида таъкидланди.

Рон Полетт билан мулоқотда Ўзбекистон билан «Женерал Электрик» компанияси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, 2018—2025 йилларда Ўзбекистон газ транспорти тизимини техник янгилаш, модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурини амалга ошириш тақлиф қилинди. Мамлакатимизда гидроэлектр станциялари қуриш, замонавий тиббий ускуналар ва ёритиш мосламалари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Стивен Надерни билан сўхбатда «СиЭнЭйч Индустриал» компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда ўрим-йғим, мелиорация ва йўл қурилишида қўлланиладиган, газда ишлайдиган замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ма-

салалари эътибор марказида бўлди.

«Ханивелл» компанияси президенти ва ижрочи директори Ражив Гаутам билан сўхбатда ўзаро ҳамкорликда нефть-кимё ва энергетика соҳаларида юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, авиация ускуналарини етказиб бериш борасида фикр алмашилди.

Жеймс Филд билан мулоқот чоғида «Дир энд Компани» компанияси билан алоқаларни янги босқичга кўтариш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчиликда қўлланиладиган трактор ва махсус техника воситалари ишлаб чиқариш, уларнинг эҳтиёт қисмларини тайёрлашни маҳаллийлаштириш, соҳага ихтисослашган тренинг маркази ташкил этиш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон — АҚШ бизнес-форуми икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, истиқболли қўшма лойиҳаларни муҳокама қилиш ва ўзаро манфаатли келишувларга эришишда катта воқеа бўлишини таъкидлади.

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси вакиллари Ўзбекистон билан ҳамкорликда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёр эканини тасдиқлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкilotига Ўзбекистон Республикасининг туҳфаси — Регистон майдонининг макети топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Тадбирда БМТ Бош қотиби ўринбосари Жен Бигл, Бош Ассамблея сессиясига келган дипломатлар, БМТ

ахборот маркази ходимлари қатнашди.

Инсоният цивилизацияси бешиklarидан бири бўлган мамлакатимизда илм-фан, маданият, савдо, меъморлик, ҳунармандлик азалдан ривожланган. Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Самарқандда турли ўлкалардан келган инсонлар аҳил-иноқ яшаган. Регистон эса ана шундай қадимий ва умумбашарий шаҳарнинг бетакрор рамзига айланган. Мажмуа 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Регистон бугунги кунда ҳам дунё сайёҳларини ўзига тортимоқда. Бу ерда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали унинг довраги ва халқлар дўстлигидаги аҳамиятини янада оширмоқда.

Регистон майдонининг макети юртимизнинг қўли гул уста ҳунармандлари томонидан ясалган бўлиб, қимматбаҳо металл ва гўзал миллий нақшлар билан безатилган.

Ўзбекистоннинг ташриф қоғози бўлиши ушбу экспонатнинг БМТ штаб-квартирасининг энг гавжум жойларидан бирига, БМТ Хаффсизлик кенгаши ва Бош Ассамблея заллари ўртасидаги фойега ўрнатилганида ўзига хос чукур рамзий маъно бор, деди давлатимиз раҳбари.

БМТ Бош қотиби ўринбосари Жен Бигл шундай гўзал ва теран мазмунга эга туҳфа учун Президентимизга чукур миннатдорлик билдирди.

Маросим БМТ каналлари орқали эфирга узатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафикаси билан Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп томонидан уюштирилган расмий қабул маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Биринчи Президентимиз хотирасига эҳтиром

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш, у кишининг эл-юртимиз равнақи йўлидаги буюк хизматларини муносиб давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда Президентимизнинг жорий йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди, мамлакатимиздаги йирик муассаса ва объектлар, Қоракалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга Ислом Каримов номи берилди, пойтахтимизда ва Самарқанд шаҳрида Биринчи Президентимиз хай-

каллари қад ростлади. 2018 йилда Самарқанд шаҳридаги Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда мақбара, шунингдек, Қарши шаҳрида Биринчи Президентимизнинг муҳташам ҳайкали тантанали равишда очилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти

Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа ташкил этилди. Мазкур мемориал мажмуа томонидан Буюк Йўлбошимизни яқиндан билган мамлакатимиз ва чет эл фуқароларидан Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ хотиралари акс этган ёзма, фото ва видео материалларни қабул қилиш ишлари йўлга қўйилган.

Бугун мемориал мажмуа кутубхонасига «Бактрия-пресс» нашриёти томонидан 124 номдаги 500 дан ортиқ китоблар тақдим этилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузури-

даги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа раҳбари Темир Ширинов, Биринчи Президентимиз турмуш ўртоғи Татьяна Каримова, «Бактрия-пресс» нашриёти директори Лола Искалиева ва бошқалар Ислом Каримов хотирасини ёдга олиб, у кишининг Ватанимиз равнақи йўлидаги, хусусан, ёш авлодни ватанпарварлик ва юксак инсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги хизматларини алоҳида эътироф этди.

«Мустақиллик меъмори» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Улугбек АСРОПОВ,
ЎЗА муҳбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Пойтахтимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг oliy таълим муассасаларида бўлиб ўтadigan етакчилар кенгаши аъзолари сайловига бағишланган очик мулоқоти бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилган мулоқотда ёш тадқиқотчилар, фаол ёшлар, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Жорий йил 22-23 сентябрь кунлари бўлиб ўтadigan Ёшлар иттифокнинг oliy таълим муассасалари етакчилар кенгаши аъзолари сайловига кизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Сайлов мамлакатимиздаги 81 oliy таълим муассасасида ўтказилди.

— Олий таълим муассасалари етакчилар кенгаши аъзолари сайловига пухта тайёргарлик кўрилди. Сайловда фаол, ташаббускор, тенгдошларининг ташвиш ва муаммоларини бартараф этишга қодир йигит-қизлар ўз номзодини қўйган, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг бўлим мудирини Бобур Мирзаев. — Номзодлар икки ҳафта давомида ўзларининг иш режаси ва дастурлари билан талабаларни таништирди. Овоз берувчилар ўзларига маъқул бўлган номзодни танлаш имкониятига эга бўлади.

❖ **Самарқандда «Ўзбекистонда илм-фан, oliy таълим тизимининг шаклланиши ва тараққиётида Самарқанд давлат университетининг тугган ўрни» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда юртимиздаги oliy таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари профессор-ўқитувчилари ҳамда Россия, АҚШ, Австралия, Италия ва бошқа давлатлардан таниқли олимлар иштирок этди.

— Халқаро конференциянинг Самарқанд давлат университетида ўтказилиши бежиз эмас, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори Б.Тўхлиев. — Чунки мазкур таълим даргоҳи қарийб бир асрлик тарихи давомида юртимизнинг етакчи oliy ўқув юртиларидан бири сифатида халқ хўжалигининг турли соҳалари учун минглаб малакали кадрлар тайёрлаб берди. Бу ерда адабиётшунослик, тилшунослик, физика, кимё, археология бўйича салоҳиятли илмий мақtabлар шаклланди. Мустақиллик йилларида Самарқанд давлат университетига Мирзо Улуғбек асос солган oliy мадрасаларнинг давомчилиги сифатида қараб шаклланди ва бу борада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

❖ **Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 70-умумтаълим мактабида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши «Ёшлар қаноти» ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида «Навойи ворислари» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.**

Танловни ўтказишдан мақсад Навоий ижодини том маънода халқ мулкига айлантириш ҳамда халқ таълими тизимида жонбозлик кўрсатаётган она тили ва адабиёт ўқитувчилари, аълочи ўқувчилари рағбатлантиришдан иборатдир.

Кўрик-танлов иштирокчилари энг кўп газал ёд олиш, газални беҳато ва ифодали ўқиб бериш, газал матнининг насрий баёни (ёзма шарҳи)ни яратиб олиш ҳамда газал матнидаги тушуниш қийин бўлган сўзларни изоҳлаш каби шартлар бўйича ўз билимининг синовдан ўтказди.

Сергели туманидаги 266-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Гулбахор Олимова биринчи ўринни кўлга киритиб, танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

❖ **Янгиер шаҳри ҳамда Оқолтин тумани маҳаллаларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар — келажак таянчи» лойиҳаси доирасида уюшмаган ёшлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилди.**

— Мулоқотда фуқаролар, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган ва уюшмаган ёшларнинг муносабатлари, шунингдек, партиянинг жамоатчилик қабулҳонасига келиб тушаётган аризалар асосида партия ходимлари ва депутатлар томонидан жойларда жиноятга мойил, жазони ўтаб чиққан, нотинч оила ва ота-онаси узоқ муддатга чет элга кетган оила фарзандлари, диний экстремистик оқимга қўшилиб қолган ёшларнинг руҳий ҳолати, яшаш шaroити ўрганилди, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи А.Турсунбоев. — Ўз олдига мана шундай мақсадларни қўйган лойиҳага асосан партия вакиллари маҳаллаларда истиқомат қиладиган уюшмаган ёшлар билан яқка тартибда, уйма-уй юриб мулоқот қилмоқда.

Лойиҳа доирасида уюшмаган ёшларга «Очиқ осмон остидаги учрашув» спектакли намойиш этилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Жиззахда «Болалар китоби» фестивали

❖ **Жиззахда «Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажак!» шиори остида «Болалар китоби» III республика фестивали ўтказилди.**

Вилоят ҳоқимлиги, матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, маданият, халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг китобга қизиқшини ошириш, уларда мутолаа маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Фестиваль олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, китоб савдоси ташкилотлари томонидан мамлакатимиз нашриётларида чоп этилган адабий-бадий, илмий-маърифий, ўқув-услубий, болалар адабиёти китоблари, «Баркамол авлод» болалар марказлари ўқувчилари ижодий ишларининг рангбаранг кўргазмалари билан бошланди.

Тадбир доирасида шоир-ёзувчилар, ёш ижодкорлар, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари билан учрашув-мулоқотлар бўлиб ўтди. «Ёш китобхон», «Менинг биринчи китобим», «Китобхон оила», «Китоб — беминат устоз», «Одамийлик китобга эҳтиромдан бошланади», «Китоб ўқишда фарзандларингизга ўрнак бўлинг!» каби мавзуларда интеллектуал викториналар, мушоиралар ташкил этилди. «Мен севган китоблар» мавзусида ижтимоий сўровнома ўтказилди.

— Китобларни юксак эстетик талаблар асосида безаклар билан сифатли чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг сара намуналарини таржима қилиш соҳасидаги муҳим масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётди, — дейди вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Улуғбек Одилов. — Бугунги фестивал бу йўналишда эришилган ютуқлар намойиши бўлди. Энг муҳими, ёшларда китобга муҳаббатни ўстиришга эришилмоқда.

Викториналар, ижодий танлов голиблари, фаол иштирокчиларга китоблар совга қилинди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

Оммавий ахборот воситалари ривожини йўлида

❖ **Миллий матбуот марказида Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан «Медиа соҳасида халқаро алоқалар замонавий билим-кўникмаларни эгаллашнинг муҳим омили» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда уюшма қошидаги ижодий кенгашлар, ёш журналистлар клуби аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва журналистика йўналишида таҳсил олувчи талабалар иштирок этди.**

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонига муносиб ўрин эгаллашида нуфузли хорижий нашрлар ва медиакомпаниялар билан самарали ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим саналди. Шу мақсадда Журналистлар ижодий уюшмаси ташаббуси билан бир гуруҳ журналистларимиз хорижий мамлакатларда бўлиб, уларнинг

етақчи ОАВлари фаолияти билан яқиндан танишиб қайтди. Жумладан, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда Чин юртига ташкил этилган медиатур иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Бир ҳафта давомида Хитойнинг Пекин, Нанкин ва Жянин шаҳарларида бўлиб, етакчи маҳаллий нашрлар тахририятлари, телекомпания

ва интернет сайтлари фаолияти билан танишдик, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти, делегация аъзоси Наргис Қосимова. — Жяну провинциясининг «Xinhua Daily Media Groupe» — «Синхуа кундалик медиа гуруҳи»га тегишли «Xinhua Daily» газетаси, «Yangtze evening post» кечки газетаси ва бошқа матбуот нашрларининг расмий веб-сайти тахририятларидаги ижодий ва техник жараёнларни бевосита кузатдик. Бу медиатур ўзаро таърибда алмашиш ва медиа соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга замин бўлди.

Сардор МУСТАФОЕВ,
ЎЗДЖТУ талабаси

Янги китобнинг янги маълумотлари

❖ **Пойтахтимиздаги «Китоб олами» мажмуасида тарих фанлари доктори, профессор Аҳмад Чориевнинг «Соҳибқирон маънавияти» номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Амир Темурнинг серкерида фаолиятига бағишланган китоб тақдиротида олимлар, ёзувчи-шоирлар, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

— Тарихий мавзуда қалам тебратиш ижодкордан юксак салоҳият ва кўп меҳнатни та-

лаб қилади, — дейди Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Иқром Отамурод. — Мазкур китобда Амир Темурнинг миллий давлатчиликни мустахкамлаш, юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлидаги улкан саъй-ҳаракатлари, маънавият ва маърифат аҳлига ибратли муносабати ҳақида янги маълумотлар берилган. Мутолаа давомида китобхон ўтмишга оид тасаввурини бойитишдан ташқари улуғ аждодимиз шахсини теранроқ англаш имконига эга бўлади.

Мафтуна ПИРНАЗАРОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Ҳассос адиб ва моҳир суратчи

❖ **Тошкент вилоятидаги «Турон» ахборот-кутубхона марказида Абдулла Қаҳҳор ижодида бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Мулоқот иштирокчилари ҳассос ёзувчининг ҳаёти ва ижодида доир кўплаб маълумотларга эга бўлишди. Учрашув якунида Абдулла Қаҳҳор уй-музейи раҳбари Д.Рафиқова кутубхона ўқувчиларига адибнинг уч жилдик танланган асарларини совга қилди.**

Абдулла Қаҳҳор ижодида бағишланган тадбирлар пойтахтимизда ҳам бўлиб ўтаётди. Жумладан, Тошкент фотосуратлар уйида ташкил қилинган кўргазмада Абдулла Қаҳҳор уй-музейида сак-

ланаётган фотосуратлар намойиш этилди.

— Севимли ёзувчимиз моҳир фотограф ҳам бўлган. У ўзи тасвирга олган суратларда киши илгамас оний лаҳзаларни тарихга муҳрлаган.

Адиб жуда кўп мамлакатларга саёҳат қилган. Бугун кўргазмага қўйилган суратлар орасида ўша саёҳатларда туширилган фотосуратлар ҳам бор, — дейди таниқли публицист Сайди Умиров. — Ҳар бир саёҳатда адиб ён дафтари ва фотоаппаратни ўзи билан олиб юрган. Мазкур кўргазма ёзувчининг ҳаёт йўли ҳақида муайян тасаввур уйғота олиши билан аҳамиятлидир.

Чарос БИЛОЛОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

2017-yil 20-sentabr, № 75 (9036)

Эндигина икки ёшга тўлган гўдагини биғиллатиб боғчага суд-раётган, "Ойишон! Мени боғчага ташлаб кетманг!" дея зорланишига қарамай ишга кетаётган, багчинтойини ўйлаб на ишида, на юриш-туришида ҳаловати бўлмаган оналарни кўп кўрганмиз?! Болакайни онасидан мажбуран айириб, кун бўйи мактабгача таълим муассасасида ушлаб ўтириш тарбиячиларга ҳам осон эмас. Табиийки, бола йўғлайвериб, руҳан эзлади, яхши овқатланмайди, тез касал бўлади.

Мамлакатимизда болаларни мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олиш, МТМлар фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "2017—2021 йилларда мактабгача таълим тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, боланинг жисмоний ривожланиши, ўзига-ўзи хизмат

Дарҳақиқат, кичик ёшли бола нимани хошлаётганини ҳеч ким онасидек тушунмайди. Шунинг учун бола ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ онасига талпинади, унинг бағрида ўзини бахтли ҳис этади, вақтини чоғ ўтказди. МТМдаги нотаниш муҳитга эрта жалб этиши уни ана шундай қувончли лаҳзалардан чеклаш демакдир.

— Қанча эътибор қилмайлик, икки ёшли бола онасига, оиласи бағрига талпинаверади, — дейди Юнусобод туманидаги 154-МТМ



Jarayon

Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ишлайдиган оналарга фарзанд парвариши учун иш жойи сақланган ҳолда икки йилгача таътил берилади. Онанинг хоҳишига кўра, таътил муддати бола уч ёшга тўлгунга қадар ҳам чўзиш мумкин. Аммо қонунчиликка кўра, бунда иш ҳақи сақланмайди. Эндиликда болани уч ёшгача уйда парваришlash лозимлиги белгиланган экан, ишлайдиган оналарда табиий савол туғилмоқда: "Болани уйда парваришlash учун учинчи йилда ҳам таътил нафақаси тўланадими?".

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддасида ҳомилдорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, боласи икки ёшга тўлгунга қадар нафақа тўланадиган таътил берилиши белгиланган. Шунингдек, онанинг талаби

Мактабгача Таълим

уйғун ривожланган шахсни шакллантиришида муҳим аҳамиятга эга

Бугунги давр боласи Munosabat

жуда зийрак. Уларнинг дунёқараши ва фикрлаши кенглиги бераётган саволлари, ҳозиржавоблигида яққол сезилмоқда. Ҳали мактабга чиқмаган боланинг сананиши, ўқиши, ёзиши биллиб олаётгани мактабгача таълим тизimini дошми такомиллаштириб бориши талаб этади. Боиси, турлича қобилият эгаларининг салоҳияти, талабига мос равишда сифатли таълим-тарбия бериши даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

9 сентябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Мактабгача таълим тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилингани зарур ижтимоий аҳамиятга эга ҳужжат бўлди. Қарорда белгиланганидек, энди олдинги ўқув дастурларимизнинг ўзигагина таяниб қолмаймиз. Уларни янгилаб, такомиллаштириб боришимиз, тарбиячи-педагоглар малакасини мунтазам оширишимиз, тизимни юқори малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Қарорда илгор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда, МТМда зарур шарт-шароитлар яратиш, тарбиячи-педагогларни тайёрлаш ва малакасини оширишга доир ўқув режа ва дастурларни замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш, муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ жойларда янги мактабгача таълим муассасаларини бунёд этиш, тарбиячи ва тарбияланувчиларга қулай ҳамда замонавий шарт-шароитлар яратиш вазифалари аниқ кўрсатилган. 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги МТМларни ташкил этиш белгиланди. Давлат-хусусий шериклик механизми замонавий ва ҳаммабоб мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш учун инвесторларга ер участкалари ва бўш турган биноларни 50 йил муддатга ажратишни кўзда тутди.

Тошкент шаҳридаги давлат МТМларига тадбиркорлик субъектлари билан тегишли талабларга жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга ҳам эксперимент тариқасида рұхсат берилди. Соҳадаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизimini янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" ҳам тасдиқланди.

Мактабгача таълим тизimini танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича тузилган комиссия соҳадаги қонунчилик, ундаги бўшлиқлар, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи нормаларни аниқлаш нўқтаи назаридан таҳлил этиши белгиланди. Эндиликда мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш ишлари амалга оширилади. Бунда зарур инфратузилмани яратиш ва мактабгача таълимнинг ҳаммабоб хусусий секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Албатта, мазкур қарор соҳа ходимлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Қарорнинг ижроси юртимизда мактабгача таълим тизimini сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва МТМ инфратузилмаси ҳамда моддий-техник жиҳозланганини тубдан яхшилаш имконини яратди.

Сабоҳат МИРЖАЛИЛОВА,
Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи

Бола боғчага қачон тайёр бўлади?

кўрсатиши, ижодий-эстетик қобилияти, дунёқарашини бойитиш, нўткини ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлашда мактабгача таълим муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сонли қарорига асосан тасдиқланган "Давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги низом"га кўра, эндиликда болаларни МТМга 3 ёшдан қабул қилиш белгиланди. Дарҳақиқат, бу ёшда бола боғчага осон мослашади. Шу боис мазкур ўзгариш ота-оналарни, кенг жамоатчиликни мамнун қилди.

Ушбу низом асосида болаларнинг МТМларга қабул ёши нега айнан 3 ёш қилиб белгилангани кўпчиликини қизиқтириши табиий. Шу сабабли мутахассислар билан суҳбатда бўлиб, масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик.

— Ўғил-қизларни МТМга қабул қилиш тартибига ўзгариш киритишдан олдин хориж тажрибаси ҳам ўрганилди, — дейди Халқ таълим вазирлигининг мактабгача таълим бошқармаси етакчи мутахассиси Гулбахор Парпиева.

— Британия, Франция, Япония, Россия каби ривожланган давлатларда болалар мактабгача таълимга уч ёшдан қабул қилинади. Мамлакатимизда эса айни пайтда мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган болаларнинг 114 минг нафарини 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Уларнинг боғчага мослашув жараёни кузатилганда айрим муаммолар кўзга ташланади. Жумладан, физиологик, психологик-педагогик жиҳатдан таълим олишга болаларнинг ҳаммаси ҳам тайёр эмас, уларга таълим-тарбия бериш кўп меҳнат талаб этади. Кичик ёшдаги бола ўз фикрини тўлиқ ифода эта олмайди, иммунитетни тўла шаклланмагани сабабли тез шамоллашга мойил бўлади. Натижанда юқумли касалликлар сони ортиб, боланинг янги шароитга мослашиши қийин кечяпти. Шуларни эътиборга олиб, ёш авлоднинг соғлом ривожланишини таъминлаш мақсадига болани 3 ёшгача оила муҳитида парваришlash муҳим, деб топилди.



тарбиячиси Дилбар Менглиева. — Аммо ўрнатилган тартибга кўра, болалар МТМга икки ёшдан қабул қилингани учун ота-оналар ҳам бу хусусда чуқур мулоҳаза қилиб ўтирмас, шунинг учун деб билиб, фарзандини боғчага етаклаб келаверар эди. Аслида мактабгача таълимга қабулни уч ёшдан бошлаш ҳар томонлама маъқул. Чунки уч ёшли бола ўз истак-хоҳишларини эркин билдира олади, вазифаларни мустақил бажаради, бегона муҳитга нисбатан тезроқ мослашади.

Боланинг кичик ёшдан боғчага жалб этилиши табиий жиҳатдан ҳам муаммоларни келтириб чиқаради. Бу хусусда Учтепа туманидаги 24-оилавий поликлиника шифокори Гуландон Мисирова шундай дейди:

— Мактабгача таълим муассасасига илк қабул қилинаётган болалар учун махсус табиий дафтар очилиб, барча йўналишлар бўйича табиий таҳлиллар олинади. Сўнг оилавий поликлиника шифокори назоратидан боғча ҳамшираси масъулигига ўтказилади. Кузатишларимизга кўра, ҳали иммунитетни мустаҳкам бўлмагани учун икки ёшли болалар боғчада юқумли касалликларга тез чалинади. Мисол учун, ҳудудимиздаги 25 нафар икки ёшли болалардан 17 нафарни МТМга қамраб олинган. Шу йилнинг биргина август ойини таҳлил қилсак, 17 нафар боладан 15 нафарига оилавий поликлиника-мизда касаллик варақаси очилган. Кўриниб турибдики, болани боғчага уч ёшдан қабул қилиш табиий нўқтаи назаридан ҳам тўғри.

билан боласи уч ёшга тўлгунга қадар иш ҳақи сақланмайдиган кўшимча таътил берилиши ҳам назарда тутилган. Яъни, она бу даврда нафақа пули олмаса-да, иш жойи сақланади. Қолаверса, болани парваришlash учун бериладиган таътиллardan отаси, бу-виси, бу-васи ёки амалда парваришлайётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки қисман фойдаланади. Аёл ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган шахслар ўз хоҳишига кўра, болани парваришlash таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлаши мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади.

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизimini жадал ривожланмоқда. Жорий йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори имзолангани бунинг ёркин далилидир. Мазкур қарорда мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, тизимни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, муассасаларнинг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланганини яхшилаш каби қатор долзарб вазифалар белгиланди. Буларнинг ҳаммаси фарзандларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлиб вояга етиши учун хизмат қилади.

Феруза ХОЛМУРОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бошланғич таълим

мустаҳкам бўлсин

Ҳар қандай иморатнинг мустаҳкамлиги пой-деворга боғлиқ. Уқувчи бошланғич синфда ағло баҳога ўқиса, кейинги босқичда ўзлаштириши осон кўчади. Шу боис, бошланғич синф ўқитувчилари зиммасига ҳаммаша катта масъулият юкланади.

Туманимизда ташкил этилаётган ўқув-семинарларда таълим соҳасидаги янгиликлар, оммалаштирилиши кўзда тутилган тажрибалар ҳақида ахборот берилиб, ҳамкасбларимиз билан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш муҳти яратилапти. Ўзлаштирилган тажрибаларимизни амалиётга жорий этиб, ўқувчининг билим олишга бўлган қизиқишини оширяпмиз.

Ўқувчи билимини оширишда педагогик инновацион технологияларнинг ўрни катта. Ҳар бир дарс ва машғулот ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда олиб боришмоқда. Натижада болалар хотираси мустаҳкамланиб, фикр юритиш ва мушоҳада қилиш кўникмаси яна ҳам ошяпти. Масалан, мате-

матика дарсида қўшиш амалини олайлик. Компьютер экранидagi 3 та катбулар ёнига яна 2 таси учиб келишини кузатиб турган ўқувчилардан кушлар сони сўралади. Жавоб бехато. Айириш



Ta'kid

амалини ҳам худди шу йўсинда намойиш этиш мумкин.

Дарсда бир хиллик болани зериктиради. Зинама-зина, ақлий ҳужум, саҳна кўриниши усуллари ўқувчиларни жонлантиради. Ўқувчининг нутқ маданиятини ўстиришда блиц савол-жавоб, топшимоқ, тез айтиш, эртақ ва ҳикоялардан кенг фойдаланиш зарур.

Дарсдан сўнг ташкил этиладиган тўғарак машғулотларини эркин олиб бораман. Дарсда мавзун

якши ўзлаштира олмаётган ўқувчи ўша фандан, ҳуснихатида камчилиги бор бола эса ёзув қоидаларидан қўшимча машғулотга жалб этилади. “Кимнинг хати чиройли?” мавзусида танлов ўтказиб, ғолиб ўқувчиларнинг дафтарини доскага осиб қўяман.

Янги 2017-2018 ўқув йилидан 2-синфга дарс берапман. Ўқиш, она тили, математика фанларидан икки марта тўғарак машғулотни ўтказаман. Болаларнинг бадиий адабиётга қизиқишини ошириш мақсадида “Ким кўп китоб ўқийди?”, “Ким кўп эртақ биледи?”, “Севишли эртақ қахрамони” каби мавзуларни танлаб, давра суҳбати ташкил этмоқдаман. Шу тариқа ўқувчиларнинг давлат таълим стандартларини ўзлаштиришига замин яратяпман.

Мавлуда ОЧИЛОВА,
Баҳмал туманидаги
42-мактабнинг
бошланғич синф
ўқитувчиси

Бугунги кунда айрим синфларда ўқувчилар даволатининг наслиги, фанларни ўзлаштиришдаги оқсоқлик таълим-тарбия сифатига салбий таъсир этмоқда. Муаммолар сабаби ўрганилганда, ўқитувчиларнинг дарсларни қизиқари ташкил этмаслиги, машғулотларда илгор педтехнология ва ахборот-коммуникация воситаларидан унумли фойдаланмаслиги кузатилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мактабимизда педагог-ҳодимларнинг касбий малакасини ошириш, ишга муносабатини ўзгартириш, соғлом рақобатни қучайтириш мақсадида “Энг ташаббускор, энг ижодкор услубий бирлашма”

тодика кенгаши ишини ташкил этишга оид билимлари ҳам синовдан ўтказилди. Иштирокчилар таълим-тарбия сифатига тўсқинлик қилаётган муаммо ва уларнинг ечимини саҳна кўриниши орқали ёритиб беришди. Масалан, ўқитувчилар куйида-

Соғлом рақобат

жамоага бирдамлик олиб келади

кўрик-танловини ташкил этдик. Танловда мактабимиздаги 8 та методика бирлашма аъзолари қатор шартлар бўйича беллашди. Иштирокчилар жорий ўқув йилининг биринчи ярим йиллигида эришилган натижаларни сарҳисоб қилиб, иккинчи ярим йиллик режалари ҳусусида келишиб олди. Туман ва вилоят миқёсида тажрибаси оммалашган маҳоратли педагоглар, ўқувчиси фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаган ўқитувчилар иши намойиш этилиб, камчиликлар таҳлил қилинди.

Танловда методика бирлашмаларининг ҳужжат юритиш борасидаги тажрибалари, ме-

ги муаммоларга зудлик билан ечим топиш масаласини кўтардилар:

1. Ўқитувчилар ўртасида касбга муносабатни ўзгартириш.
2. Давомат ва ўзлаштиришнинг яхшилаш.
3. Ўқувчиларнинг китобга меҳрини ошириш ва кутубхона фонддини бойитиш.
4. Ўқитувчилар билим салохиятини ошириш.
5. Ота-оналар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Жамила БОЗОРОВА,
Кармана туманидаги
3-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

7-, 8-синф ўқувчиларининг информатикадан мураккаб масалаларни ечиш кўникмасини шакллантиришда санок системалари, ахборот ўлчов бирликлари, мантиқий амаллар, “MS Excel” дастурида формулалар билан ишлашга доир амалиётни қайта-қайта бажартириш лозим. Бу ўқувчини билимлар беллашувчи, фан олимпиадаси, босқичли назорат ва олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари масалаларини ечишга тайёрлайди.

256 = 2⁸,
яъни ранг
кўлами 8



Tajriba

битдан иборат. У ҳолда ахборот ҳажми 1280x1024x8 = 10485760 бит = 1310720 байт = 1280 кбт.

3. Али айтиди: “Менинг компьютерим 240 кбит ахборотни 20 секундда узата олади”. Вали айтиди: “Менинг компьютерим 24 кбайт ахборотни 16 секундда узата олади”. Компьютерларнинг ахборот узатиш тезлигини таққосланг.

Компьютерга қизиққан бола

информатика фанидан яхши ўқийдими?

Санок системаларига оид масалалар

Санок системаларига оид масалаларни ечишдан аввал ўқувчиларга санок системаси ва турлари ҳақида батафсил маълумот бериш, уларда санок системасининг информатика фанида тутган ўрни тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш муҳим.

“Масалаларни компьютерда ечиш 6 босқичдан иборат”.

Бу гагда турли белгилар сони 23 та 16 < 23 бўлгани учун бу ахборотни 4 бит ёрдамида кодлаб бўлмайди.

1. Горизонталига 1024 та, вертикалига 768 та нукта (пиксел)ли экрандаги расмини сақлаш учун керак бўладиган хотира ҳажмини аниқланг.

Масалада ранг кўлами ҳақида айтилмаган. Шунинг учун бундай ҳолда доимо 1 бит (2¹=2 та ранг. Оқ ва қора) олинади. У ҳолда унинг сақлаш ҳажми 1024*768*1 = 786432 бит = 98304 байт = 96 кбт. дан иборат бўлади.

2. 256 хил рангли горизонталига 1280 та нуктали, вертикалига 1024 та нуктали экрандаги расм кодланганда ахборот ҳажмини байт ва кбтда топинг.

1) Алининг компьютерининг тезлиги V₁ = 240:20 = 12 кбит/секунд;

2) Валининг компьютерининг тезлиги V₂ = 24 кбайт:16 секунд = 192 кбит:16 секунд = 12 кбит/секунд;

3) Демак, иккала компьютернинг тезлиги бир хил.

4. Интернетдан 40 секундда 2 гб ахборот олинди. Агар шу тезликда ахборот олинса, 1 минутда олинадиган ахборот ҳажмини аниқланг. 1 минут = 60 секунд. 60/40=1,5 марта 2x1,5 = 3 гбт ахборот олинади.

5. Али Валига маълум миқдорда ахборот жўнатди. Вали шу ахборотдан 40 фоиз кам ахборот жўнатди. Улар биргаликда алмашган ахбороти 1 кбт бўлса, у ҳолда Вали жўнатган ахборот ҳажмини топинг.

Бу масалани тенглама ёрдамида ечиш қулай. Али жўнатган ахборот х бўлсин. У ҳолда Вали жўнатган ахборот х - 0,4х = 0,6х бўлади.

Иккаласи биргаликда жўнатган ахборот х + 0,6х = 1 кбт.

1,6х = 1024 байт х = 1024:1,6 = 640 байт Али жўнатган ахборот 640 байт, Вали жўнатган ахборот 1024-640 = 384 байт.

Жавоб: Вали 384 байт ахборот жўнатган.

Мантиқий амалларга доир масалалар

Мулоҳазалар, асосан, математиканинг предмети бўлиб хизмат қилади.

Мантиқий амаллар мулоҳазалар устида бажарилиб, натижалари “РОСТ” ёки “ЁЛҒОН” қийматларидан бирига тенг бўлиши мумкин.

Мантиқий ифодаларнинг қийматини топинг:

$$1) 5 < 8 \vee 3 + 6 = 9 \wedge 4 = 3$$

Бу машқни бажариш учун ҳар бир мантиқий амалдан аввал ва кейин қавсларни қўйиб олсак, мантиқий амалларни бажариш қулай бўлади:

$$(5 < 8) \vee (3 + 6 = 9) \wedge (4 = 3).$$

Энди мантиқий амалларни бажариш тартибини белгилаб, масала ечамиз.

$$(5 < 8) \vee (3 + 6 = 9) \wedge (4 = 3).$$

Ҳар бир қавсдаги амалларнинг қиймати рост ёки ёлғонлигини аниқлаб оламиз: 3+6=9 – рост, 4=3 – ёлғон, 5<8 – рост. У ҳолда берилган масала куйидаги кўринишни олади:

$$1 \vee 1 \wedge 0 = 1 \vee 0 = 1, \text{ демак мантиқий ифоданинг қиймати рост бўлади.}$$

“MS Excel” дастурида формулаларга доир масалаларни ечиш учун дастур имкониятларини ўқувчиларга кенгроқ тушунтириш керак. Боиси, олий ўқув юртига кириш имтиҳонларида математика фанидан бериладиган саволларга информатикадан 6 та савол қўшилмоқда. Шундан 1 та савол “MS Excel” формулаларига доир масала бўлиб турибди. Бу масалаларни ечиш учун “MS Excel” формулалари билан ишлашга кўпроқ эътибор бериш лозим.

Ўқувчи компьютерда ишлашни яхши билсаю, математик қобилияти юқори бўлмаса, информатикага оид масалаларни ечишга қийналади. Бундай ўқувчида аввал математик қобилиятни ривожлантириш керак. Одатда, ўқувчиларнинг барчаси компьютерда ишлашни хоҳлайди, лекин масалаларни ечишга қийналади. Информатикадан назарий ва амалий машғулотларни биргаликда олиб бориб, болаларни юқоридаги каби масалаларни ечишга қизиқтирсак, нафақат фанга, балки ахборот технологиялари йўналишига қизиқувчи бўлажак мутахассислар авлодини ҳам тарбиялаймиз.

Ҳодисахон РАҲМАТОВА,
Балиқчи туманидаги 35-мактабнинг
информатика фани ўқитувчиси

2017-yil 20-sentabr, № 75 (9036)

100 баллик ва 5 баҳолик тизим

қай бири афзал?

Баҳо — ўқувчи ёки талабанинг билим даражасини шунчаки аниқламайди, балки ўқишга нисбатан мотивация ўйғотади, рағбат ва оғоҳлантурувчи вазифасини ўтайди. Педагогик фаолиятнинг энг масъулиятли жиҳати ҳам айнан баҳолашдир. Билимнинг тўғри ва ҳаққоний баҳоланиши таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутаяди. Аудиторияда соғлом рақобатни шакллантиради.

Шу кунгача олий таълим тизимида барча курсларда баҳолаш 100 баллик рейтинг тизимида олиб бориларди. Жорий ўқув йилидан бошлаб 1-курсларда талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи 5 баҳолик тизимида баҳоланиши белгиланди. Ишчи ўқув дастурларида барча фанлардан баҳолаш жараёни шу тартибга ўтказилди. Энг аввало, баҳолаш тизимининг соддалиги барчага манзур бўлмоқда. Профессор-ўқитувчилар "Ҳар қандай ҳолатда ҳам соддалик мураккаблиқдан афзал бўлгани каби билимнинг баҳо орқали аниқланиши қулайлик туғдиради", каби фикр-мулоҳазаларни билдирапти.

— Умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида баҳолаш 5 баҳолик тизимда амалга оширилади, — дейди Низомий номдаги Тошкент давлат педагогика университети декани, доцент Ойбек Юсупов. — Олий таълим муассасаларига ўқишга кирган талаба учун 100 баллик баҳолаш рейтинг нотиани бўлиб, кўплаб тушунмовчиликлар келтириб чиқаради. Бунда билим, кўникма ва малакаларни назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабаларнинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириши баллар орқали ифодаланади. Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомида ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади. Ушбу 100 балл назорат тур-

лари бўйича фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кафедра томонидан жорий, оралик ва якуний назоратларга тақсимланади. Якуний назоратга 30 балл, жорий ва оралик назоратга 70 балл ажратилади. 70 балдан 30 бали оралик ва 40 бали жорий назорат учун ажратилади. Оралик назорат 2 марта ўтказилиб, ҳар бир назорат учун 15 балдан берилади. 40 баллик жорий назорат эса семинар, амалий ва лаборатория машғулоти, тест, суҳбат, уйга вазифаларни текшириш ва бошқа шаклларда ўтказилади. 40 баллик жорий назоратга мустақил ишларни баҳолашни ҳам киритиш керак. Демак, 40 бални ҳар бир машғулотга тақсимлаш ёки маълум ораликда жорий назоратлар ўтказиб туриш зарур. 40 балл машғулотларга тақсимланганда бутун бўлмаган сонлар келиб чиқиши мумкин. Якунда уларни қўшиб чиқиш керак. Оралик ва якуний назоратларда ҳам баллар саволлар кесимида тақсимланади. Кўриниб турибдики, 100 баллик рейтинг тизимининг ўзига хос мураккабликлари бор. Шу маънода, 5 баҳолик тизим таълим босқичларининг узлуксизлигини таъминлаш, баҳолаш тизимини соддалаштириш, ортиқча расмийчилик ва қозғозбликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Талабаларда давлат таълим стандартларига мувофиқ билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш нечоғ-

лик муҳим бўлса, жараёни назорат ва таҳлил этиш шунчалик аҳамиятлидир. Шунинг учун баҳолаш аниқ, ҳаққоний ва қулай шаклда бўлиши лозим. Фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил қилиш ҳамда таҳлил этишга зарурат сезилади.

— Баҳо таълим сифатини назорат қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади, — дейди ТДПУ "Умумий педагогика" кафедраси мудири,



Jarayon



педагогика фанлари доктори Бекзод Хўжаев. — Аслида баҳо ва баҳолаш ҳамма даврларда ҳам таълимнинг "муаммоси" бўлиб келган. Балл стипендияга таъсир қилгани учун талабаларда юқори баҳога интилиш янада кучайди. Олий таълим муассасаларида ягона баҳолаш шкаласи мавжуд эмаслиги ҳақида кўп мартаба фикрлар билдирилган. Тасаввур қилинг, нафақат олий таълим тизимида, балки бир олий таълим муассасасида 200

дан ортиқ фан ўқитилса, худди шунча миқдорда баҳо шкаласи (1,2; 2; 2,5; 3,5 ва ҳоказо) мавжуд. Мазкур ҳолат профессор-ўқитувчилар билан бирга, талабаларнинг ҳам қайси фандан, қандай натижага эришадигани билмай, ҳисоб-китобда янглишишига сабаб бўлади. 5 баллик баҳолаш тизимига ўтилиши мазкур ҳолатни тўлиқ бартараф этиш имконини беради. Фақат профессор-ўқитувчилар битта жиҳатни ҳисобга олиши лозим: бу баҳо эмас, балл шкаласи. Профессор-ўқитувчилар яна 5 баҳо "шайдоси"га ай-

таъриф ҳамда моҳияти, назорат турлари ва методлари тўғри ҳамда тўлиқ анланмас, баҳо қандай шаклда қўйилишидан қатъи назар, таълим сифати мониторингини ҳаққоний ташкил этиш имконсиз. Баҳо масаласига эътиборсизлик билан қараш таълим сифатининг пасайишига олиб келишини эсдан чиқармаслик лозим.

— Рейтинг тизимида талабанинг фандаги етакчи категорияларга бўйича етарли тасаввурга эга бўлиши, фанни билиши, билганларини айтиб бера олиши, моҳиятини тушуниши, олган билимларини амалда қўлай олиши, мустақил мушоҳада юриштириши, ҳисодий фикрлаши, ҳулоса ва қарор қабул қила олиши кабилар инобатга олинган ҳолда 100 баллик тизимда баҳоланади, — дейди педагог Феруза Ҳайитова. — Бунда 0—5 балл «қоникарсиз», 56—70 «қоникарли», 71—85 «яхши» ва 86—100 балл «аъло» баҳога тенг бўлади. Мантиқан ёндашса, баллар барибир баҳога «ўғирилган» ҳолда қабул қилинади. Стипендия ҳам талабаларнинг балига эмас, семестрни «аъло», «яхши» ва «қоникарли» баҳо билан яқунлаганига қараб белгиланади. Шундай экан, икки ўртада ўқитувчининг овози бўлгани, ортиқча расмийчилик — балларни ҳижжалаб ҳисоблаб чиққани қолади.

Балларни ҳисоблашда баъзи ўқитувчилар 1-2 балга янглишиб, жаримага тортилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Шунинг учун 100 баллик рейтинг тизими жаҳон андозаларига мос дегувчилар ҳам 5 баҳолик тизимнинг соддалиги ва афзаллигини қайд этмоқда. Айни кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида талабалар билимининг назорат қилиш ва баҳолашнинг 5 баҳолик тизими бўйича намуна ва уни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар устида ишланмоқда.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

Институтнинг Фарғона минтақавий филиали

истеъдодли ёшларнинг ўзбек ва жаҳон санъати намуналарини ўрганишига хизмат қилади

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 3 август куни мамлакатимиздаги ижодкор зиёлилар вакиллари билан ўтказилган учрашувда Кўкчи шаҳар муסיқали драма театрида ишлаётган 53 нафар ижодий ходимнинг атиги 11 нафари олий маълумотли бўлиб, қолган 42 нафар ходим ўрта махсус ва ўрта маълумотга эга эканини, театрда ишлаётган йигит-қизлар астойдил интилайётган бўлса-да, уларга зарур билим ва малака этишмаётгани сезилиб турганини таъкидлаб ўтди.

Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги "Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу каби масалаларни ҳал этишга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Фарғона минтақавий филиали Кўкчи туризм ва сервис касб-хунар коллежи биносида фаолият юрита бошлади. Йўл юзиде жойлашган уч қаватли бино атрофи манзарали дарахтлар билан ўралган. Филиал учун бинонинг иккинчи қавати ажратилган.

— Ўзбекистон давлат санъат ва

маданият институти Фарғона минтақавий филиалининг Кўкчи шаҳрида ташкил этилишида катта маъно бор, — деди "Актёрлик санъати" кафедраси мудири Равшанбек Дехқонов. — Зеро, Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров, Миршоҳид Мирқилов, Сабохон Каримова, Қурбон Назаров, Занжирали Мирзатов каби кўплаб атоқли санъат ва маданият намояндалари айнан шу худуддан етишиб чиққан. Ушбу қарор фарғоналик истеъдодли ёшларни ўзбек ва жаҳон санъатининг юксак намуналарини руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилият ва интилишларини ҳар

томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рўёбга чиқариш, Фарғона водийсидаги вилоятлар учун театр, халқ ижодиёти соҳаси бўйича актёрлар, маданиятшунослик ва санъатшунослик йўналишида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

2017-2018 ўқув йили учун актёрлик санъати таълим йўналишига 25 нафар абитуриент қабул қилинди. Қабул жараёни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида амалга оширилди.

— Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ҳужжатларимни топшириб, ижодий имтиҳонда 52, тестдан 94,9 балл тўпладим, — деди наманганлик талаба Ифтихор Эргашалиев. — Тошкентда ўқисам ҳам бўларди. Бироқ ўзим туғилиб ўсган худудга яқинлиги учун институти Фарғона минтақавий филиалининг илк қалдирғочлари сифати бўлиши истадим. Дарслари-

миз дастлабки кунларданок жуда қизиқарли ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтмоқда.

Педагоглар жамоасини шакллантиришда уларнинг таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида эришилган илгор ютуқларни татбиқ эта олиш лаёқатига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, филиални очилган мақсад маданият ва санъат соҳасида фундаментал билим ва тушунчалар, тарихий ва замонавий аъёнчалар, давлат стандарти бўйича белгиланган билим ва малакаларни пухта эгаллаган олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлашдир. Шу маънода талабаларнинг дарсдан бўш вақтидан унумли фойдаланишига кўмаклашиш учун актёрлик маҳорати, сахна нутқи, рақс ва вокалдан қўшимча машғулотлар ҳам ташкил этилди.

Шарифа МАДРАХИМОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

Устозлик сийрати

Педагогининг мукамал ва чуқур билимга эга бўлиши, инсоний сифатлари, илм-маърифат бобида ибратли шахс эканлиги ҳамisha қадрланган. Бундай сифатларни ўзида мужассам этган Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Анор Махмудова, Қўқон шаҳридаги 10-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Манзура Мадалшева, Хива шаҳридаги 20-меҳрибонлик уйи директори Вера Пак, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Мумтоз филология» кафедраси профессори Сўйиша Ғаниева каби устозларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвоннинг берилиши бежиз эмас.

Устозлик мақомига эришиш ўз фани ва соҳасининг билимдони бўлиш билан бирга, шогирдларга меҳр-муҳаббат кўзи, ишонч хисси билан қараш ҳамдир. Ўқитувчининг ўз фанини севиши унинг нутқи, маъруза ва суҳбатлари орқали сезилса, ўқувчи шахсига илқ муносабати, нигоҳи, хушмуомаласидан яққол билинади. Ота-оналар ва ўқувчилар билан сўровнома ўтказганимизда, аксарият ўқувчи-ёшлар устоздаги инсоний сифатларга ҳурмат билан қарашларини қайд этадилар.

Устоз сабр-тоқатли, сўзи ва амали бир, инсон руҳиятини билишнинг психологик усулларидан хабардор бўлса, мақсадига эришади. Буюк мутафаккир Алишер Навоий «Улки, буюриб ўзи қилмагай ва ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмагай», дея устоз шахсининг ўз сўзи ва амалига мутаносиб бўлишини таъкидлайди.

Педагогик қобилият ўқитувчининг ушбу фаолият турига меҳр-муҳаббатини ҳамда муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида «**Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга**» эканлиги таъкидланади. Илмий нуқтаи назардан педагогик қобилиятнинг бир қатор таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Дидактик қобилият — ўқувчига ўқув материалла-

рини аниқ ва равшан тунунтириб, осон етказиб бериш, болада фанга қизиқиш уйғотиш, унда мустақил фаол фикрлашни уйғота олиш жараёнини қамраб олади. Амалиётда шундай ҳолатни кузатамиз: дарслиқда ёзилган матн, вазифани бола тезда тушунмаса, ўқитувчи айнан шу қобилияти орқали унга осон ва қулай тарзда ўқув материаллини ўзлаштиришига ёрдам бериб юборади.

Академик қобилият — фан соҳасига хос бўлиб, устоз ўз соҳасини фақат кам ҳажмда эмас, балки атрофли, кенг, чуқур ўрганиб, бу борада эришилган ютуқ ва кашфиётларни доимий равишда кузатиб боради. Ўқув-тадқиқот материалларини мутлақо эркин тарзда эгаллаб, унга катта қизиқиш билан қарайди, ўз фанига оид янгиликларни қидириб топади. Шундай вазиятлар кузатиладики, устознинг муайян соҳани мукамал эгаллаганига ҳавас билан қараган бола ёки шогирд кейинчалик айнан унинг даражасига эришади.

Перцептив қобилият — ўқувчи ёхуд тарбияланувчининг ички дунёсига кириш, психологик кузатувчанлик, шахсининг вақтинчалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик вазиятларни тушуна билишдир. Бу қобилиятни эгаллаган ўқитувчи боланинг ҳар қандай майда-чуйда ҳатти-ҳаракати, ёркин ифодаланган айрим ҳолатлар ҳамда уларнинг ички дунёсига юзага келадиган ўзгаришларни зийраклик билан илғаб олади. Дейлик, бола дарсда қорни очиб, сумкасида онаси тай-

ёрлаб берган бутербродни егиси келади. Уни тенгдошлари олдида изза қилишга шоммаган ўқитувчи танлафусда бу иши одоб доирасига тўғри келмаслигини уқтиради.

Нутқий қобилият — устознинг ўз хис-туйғуларини сўз, мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан ифодалаб бериши билан боғлиқдир. Ўқувчига уза-тиладиган ахборот, асосан, иккинчи сигнал тизими — нутқ орқали берилади. Ўқитувчи нутқи ҳамма вақт ўқувчилар оmmasига қаратилди, унинг мулоқоти доим ишончлиги, жозибадор-

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

лиги билан ажралиб туриши лозим. Ўқитувчи талаффузи аниқ, равшан, оддий ва ўқувчи учун тушунарли бўлиши талаб қилинади. Ахборот шундай бўлиши керакки, ўқувчи фикри зикири ва диққат-эътибори ўз-ўзидан фаоллашиб кетсин. Педагог нутқида ғализ фикрлар, жаргон сўзларнинг кўлланилиши, айрим терминларни такрор ишлатавериш қораланади. Ўқитувчи нутқи соф адабий тилда бўлса, бу унда устозлик сийратининг яна бир қиррасини намойён этади.

Ташкилотчилик қобилияти — ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, жамоани жипслаштириш мақсадини ўз ичига олади. Устоз учун дарсда фаол ўқувчи билимини текшириш ва дарсни олиб бориш жуда ҳам қулай. Лекин ташкилотчи педагог дарсда пассив ўқувчини ҳам жалб эта олади, бола унинг дарсида ўзини «бегона»дек хис этмайди.

Авторитар қобилият — ўқувчига бевосита эмоционал-иродавий таъсир этиб, обрў орттиришдир. Қобилиятнинг бу тури ўқитувчи росттўйлиги, иродалиги, ўзини тутта билиши, фаро-

сатлилиги, талабчанлиги ҳамда қатор шахсий хислатларга, таълим-тарбияда жавобгарликни хис этишига боғлиқдир.

Коммуникатив қобилият — бола билан мулоқотда бўлиш, унинг тўғри йўл танлашига қўмаклашиш, педагогик нуқтаи назардан ўзаро алоқа боғлаш.

Педагогик фантазия — ўқувчи шахсини тарбиявий лойиҳалаштиришда ўз саъй-ҳаракатлари натижасини олдиндан кўра билиш. Ўқитувчи ҳар бир боладан келгусида қайси касб эгаси чиқишини кўз олдига келтира олади. Бу қобили-

ят педагогик оптимизм, тарбиявий таъсир, қатъий ишонч билан боғлиқдир.

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти — бир вақтнинг ўзида эътиборни кўпला фаолият турларига қарата олишда намойён бўлади. Ўқитувчи ҳали ёш, тажрибасиз ёки дарсга тайёр бўлмаса, вақтни нотўғри тақсимлайди. Дарсининг кўп қисмини йўқлама, уй вазифасини текширишга сарфлаб қўйгач, янги мавзунини ўтишга кам вақт қолади. Натижада бола янги мавзунини тўлиқ ўзлаштира олмади. Дарс вақти тўғри тақсимланса, бола диққатини тўлиқ жалб этиш мумкин.

Бундан ташқари, **удлабу-ронлик, меҳнатсеварлик, камтарлик** каби хислатларга эга устоз-мураббийлар кўпдан-кўп ютуқларни кўлга киритади. Ўқувчидаги мавжуд қобилиятни ривожлантириш, хотира, диққат, тафаккурни мустаҳкамлашнинг психологик усулларини кўллаш, муомала маданиятини эгаллаш, боланинг ўз-ўзини билиб олиши учун имоният яратиши зарурлигини устоз англаши лозим. Зеро, жамиятда илғор

фикрлайдиган, юксак салоҳиятли кишилар қанчалик кўп бўлса, миллат шунчалик даражада ривожланиши ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимизда таълим-тарбия жараёни кенг қамровли тарзда олиб борилаётгани устоз, мураббийларнинг жамият олдидаги жавобгарлигини янада ошириб, уларга қўйиладиган талаб ва вазифалар қўламини янада кенгроқ хис этишга ундамоқда. Таълим-тарбия жараёнида билим-сиёз педагогнинг иштирок этиши мумкин эмас. Бир аъзодаги касаллик бошқа аъзога салбий таъсир этганидек, устознинг но-донлиги ўн минглаб инсонларни маънавий ҳалокатга бошлайди. Синф хонаси, аудиторияда сиздан қандайдир янги гап ку-таётган фарзандларимиз ҳафсаласини пир қилмаслик, юқорида санаб ўтган устозлик хислатларига бориб тақалади.

Абу Наср Форобий айтганидек: «Ўқитувчи ва раҳбарнинг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшайди, шу сабабли ўқитувчи эшитган ва кўрганларининг бarchасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши, ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларни тўла ва аниқ ифодалаб бера олиши лозим. Шу билан бирга ўз ор-номусини қадрлаши, адолатли бўлиши зарур. Ана шундагина у инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чўққисига эришади.» Япон халқининг устоз зоғи ҳақида берган таърифи ҳам бу иқтибос билан ҳамоҳанддир: «Ўқитувчилар шундай ҳокимиятга эгадирларки, бу ҳокимият ҳақида вазирлар фақат орзу қилишлари мумкин».

Феруза АКРАМОВА,
психология фанлари
номзоди, доцент

Муқаддас даргоҳга қадам

ҳаётий мақсадларини янада қатъийлаштирди

Талабаликнинг олтин даври тугашига оз қолди. Ҳадемай ўқишни тамомлаб, ўрганганларимизни амалиётда қўллаймиз.

Институтимиз Қорақалпоғистондаги қатор таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатган. Талабалар Нукус шаҳридаги аксарият умумтаълим мактабларида давлат педагогик амалиётини ўтайди. Шартномага мувофиқ ўқув йили бошланиши билан педагогик амалиёт ўташ мақсадида 37-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига бордик.

Тўрт каватли мактаб биноси. Маъкур умумтаълим мактаби шаҳардаги энг кўзга кўринган таълим муассасаларидан. Мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олаётган зиё масканда таълим қора-

қалпоқ ва рус тилларида олиб борилади. Буни эшитиб айрим курсдошларимизнинг шашти қайтгандек бўлди. Сабаби, ўзбек тилининг асосий элементларини, тўғрироғи, «мағзи»ни ўзга тил ўқувчиларига етказиш нафақат амалиётчи, балки тажрибали педагоглардан ҳам катта маҳорат талаб этади.

Педагогик амалиёт даври ўн бир ҳафта давом этади. Вазифамиз — бу муддатдан унумли фойдаланиш. Дўстларим каби мен ҳам илк ҳафтандоқ мактабнинг ички тартиб-қоидаларига риоя этиш ва дарсга ўз вақтида келиш кўникмасини ўзлаштирдим. Фан ўқитувчиси ва методистлар назоратида 7-синф ўқувчиларига ўзбек тилидан сабоқ беришни бошладик.

Ўтган йили методика фанида бир устозимиз «Ўқувчи — энг кучли психолог», деганди. Бу гапга амалиётда тўла-тўқис амин бўлдим. Чунки синфхонага кириб келишингизданок ўқувчилар сизнинг қайфиятингиздан тортиб, қандай дарс бера олишингизгача билади. Бироз ўтиб барча амалиётчиларда кўзга ташланган кўрқув ва ишончсизлик ўрнини кучли шижоат эгаллади. Машгулотларга мослашиб, болалар қалбига йўл топшига ҳаракат қилганим сайин мавзуларни пухта ўргатиш, таълим бошқа тилларда олиб борилувчи синф ўқувчиларида давлат тилида тўғри сўзлаш ва ёзиш кўникмаларини шакллантириш осонлашди. Бунда институтимиздан бириктирилган профессор-ўқитувчиларнинг хиз-

мати катта бўлди. Шу билан бирга мактабнинг ўзбек тили фани ўқитувчиларидан ҳам педагог учун зарур бўлган амалий жиҳатларни ўзлаштирдик.

Амалиёт жараёнида таълим-тарбия фойдаларининг ҳар бир куни жасоратга бой эканига гувоҳ бўлдим. Халқимизда «Устоз отангдай улуг» деган нақл бор. Ана шу шарафга лойиқ бўлиш учун ўз касбининг чин дилдан севиш, машаққатли меҳнат жараёнини сабр-матонат билан энгиб ўтиш зарурлигини хис қилдим. Ўқитувчиликни танлаганимдан кўнглимда фахр уйғонди. Ёш авлодга замон талаблари асосида ахборот технологиялари ва янги методлардан самарали фойдаланиш, сифатли таълим бериш орқали мамлакатимизнинг юксалишига ўз хиссамни қўшаман, деган мақсадим янада қатъийлашди.

Шоҳрух ИБДУЛЛАЕВ,
Нукус давлат педагогика
институтини талабаси

2017-yil 20-sentabr, № 75 (9036)

Эркин Воҳидовнинг ҳажвий лирикаси ўзига хос миллий нафосати, китобхон дунёқарашига мос ҳаётвий эпизодларнинг кулгили талқини билан диққатни жалб қилади. Сирдан қараганда, шоир қахрамонларининг ҳажвий қиёфасини, характерини тасвирлаш орқали уларнинг турмушга аниқ-овларча муносабати ва ландовурлигидан кулаётгандай туюлади. Жиддий ўйлаб кўриласа, муаллифнинг нияти мутлақо бўлак экани аён бўлади. У энди таниш қахрамон воситасида бизни эҳтиёткорликка, тежамкорликка, ҳар бир ишни дид, фаросат билан бажаришга чорлайди.

Эркин Воҳидов табассули

Эркин Воҳидов давримиз ғазал-навислигида ўзига хос мактаб яратган чинакам устоз эди. Шоир ижодига шундай ғазал туркумлари борки, улар мумтоз шоирлар ижодига оҳанг жиҳатдан боғланади, холос. Уларнинг аксарияти мазмун ва гоёсига кўра, бутунлай ўзгача йўналиш касб этади. Аниқроғи, шоир бир неча ғазалларида донишмандлик, зукколикнинг олий намунасини кўрсатган.

Ижодкор «Кулгу мушоиралари» туркумида бир неча ғазал битган. Сатира ёки юмор хисси билан тўйинтирилган талай асарлари ушбу туркум мундарижасига кирмаган. Мазкур туркумга тегишли:

**Ўн саккиз минг олам ошуби падар бошиндадур,
Не ажаб, чун ўғли онинг
Ўн саккиз ёшиндадур,** — матлаъли ғазали улуг Навоийнинг машхур:

**Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим
Ўн саккиз ёшиндадур,** —

матлаъли ғазали таъсирида ёзилган. Навоий ғазалда ўн саккиз ёшли сарвинозининг ўн саккиз минг оламни мафтун этувчи беҳад гўзаллиги ва маънавий камолоти-дан баҳс этса, Эркин Воҳидов ўн саккиз ёшли йигитнинг тантик, ишққмас, бадфёъллигини юмор тили билан фош этади. Ўн саккиз минг олам ташвишлари ҳозир бир отахоннинг елкасида. Чунки унинг ўғли ўн саккизга кирган. У шу ёшга кирганига қарамай ақл бобида анча оқсоқ, боз устига жуда бевош ва худбин. Бир пайтлар отанинг ўзи атрофдагиларнинг устидан кулган, изза қилган. Энди эса:

**Узгалардан кулғай эрди
кўча-кўйда бир замон,
Ақлга юз ҳайрат эмди
бул унинг қошиндадур.**

Дарвоқе, биринчи байтдаги «ўн саккиз минг олам ошуби» билан мазкур байтдаги «ақлга юз ҳайрат» Навоий ғазали таркибидан ўзлаштирилган ва кўриб ўтганимиздек, тамомила янги гоёни юзга чиқаришга сафарбар этилган. Бу ҳодиса шеършунослиқда иктибос санъати дейлади. Бир вақтлар улуг шоир ўн саккиз ёшли сарвинозининг ноз-ишвасидан ўз бор ҳайрат туйган бўлса, энди Э. Воҳидов баттол отанинг тарбияда nochorлигидан, энди ўз қилмишлари ўз бошига кулфат келтираётганидан юз бор ҳайратга туюлади. Шакл бир, маъно тамом ўзгача. Бу ҳодиса шоир маҳоратининг бир учкунли сифатида яхши таассурот пайдо қилади. Ғазал хотимасида отанинг боласини эркалайвериби «ўз бошига чиқаргани», ўғил бу жойдан тушишни истамаётганини ойдинлашади. Эътибор қилсангиз, шоир халқ тилидаги «бошига чиқармоқ» иборасини шеър бағрига маҳорат ила жойлаштирган:

**Йўқ ажаб, ёшлиқда
ўғлин ота ардоқлаб, субоб,
Эркалаб бошига кўйди,
ул ҳамон бошиндадир.**

Шоирнинг «Кўлни ишга моҳир этма, тилни гапга уста қил» сатри билан бошланадиган ғазалини ўқисангиз, ҳажвчининг ишққмас, такасалтанг, эзма, хушомадгўй ва бошқа салбий хислатлари билан жамият тараққийотига гов бўладиган кимсалар устидан беозор кулгисига гувоҳ бўласиз. Муаллиф шу йўл билан гапга уста, бироқ кўлидан тайинли иш келмайдиган кимсанинг бошлиқнинг пинжиги кириб олгани, шу важдан пичоғи доим мой устида турганига пичинг қилади. Кўринадикки, шоир кўлидан тайинли бир юмуш келмайдиган, бироқ бошлиғи олдида тавозеъ ва хушомадни ҳамisha қойил қиладиган устаси фарангларга киноя йўли билан насиҳат ўқийди. Асл мақсад эса шу каби лаганбардорларни ҳамда уларнинг бурнидан нарини кўролмайдиган раҳбарларини инсоф ва диёнатга чорлаш.

Шоирнинг «Кулгу мушоиралари» ҳамда «Донишқиллоқ латифалари» туркумига кирмаган, бироқ моҳирятан жуда муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган бир неча ҳажвиялари борки, улар ўзига хос мазмуни, гоёвий кўлами ва бадиий назокати билан зийрак китобхонни бефарқ қолдирмайди. Уларни ўқиганда кўпроқ собиқ тузум маддоҳлари ва лаганбардорларининг худбинлик, ялқовлик ва тил-ёғламалик хислатларидан оғоҳ бўласиз.

«Нега япон юз йил яшайди?» номли шеърда японларнинг узок умр кўриш сабабларидан бири — камхаржлигига ишора қилинади. Ўзбекнинг шу ёшга бормаслигининг сабаби эса унинг кўпхаржлигида экан. Бироқ асардан кузатилган мақсад бу эмас. Бу ўқувчи диққатини жалб этишнинг бир усули, холос:

**— Нега япон юз йил яшару
Ўзбек бунча ёшга бормайди?
— Чунки япон биздек қоронгу
Сахар туриб ошга бормайди.**

Шунингдек, японлар азада кетма-кет зиёфат қилмаслиги, байрамда меҳмонлар келади деб, уч кун қотиб кўчада турмаслиги яхши ва фаровон яшашининг бош омили экан. Шундан сўнг шоир асл муддаога кўчади:

**Гарчи биздан
юз бор фаровон,
Гарчи биздан
юз карра тўқдир.**

**Туй харжида юзта бой япон
Бир камбағал ўзбекча йўқдир.** Шеърнинг мана шу учинчи бандида асл муддао ҳажвия либосига ўралган. Унда ўзбекча хос мардлик, олижаноблик, бағрикенглик, қўли-очиклик, меҳмондўстлик, айниқса, тўйсеварлик хусусияти муаллиф томонидан ифтихор билан ифодалан-

ган. Шоирнинг бу туйғулари бир шахс илҳомининг меваси бўлса-да, у аслида миллий гурур туйғуси бўлиб жаранглайди. Эркин Воҳидов шу билан шеърни яқунлаши мумкин эди. Бироқ икки банд билан ўқувчини «ҳозирлаган» шоир энди шеър завқидан сармаст китобхонни ўз «хол»ига, ўз «дунё»-сига қайтаради. Охириги тўртинчи банд унча муҳим туюлмаслиги мум-



кин, бироқ у шеърни хулосалаш билан бирга японларда ҳам ор ва ифтихор туйғуси борлигини, бу туйғулари бошқаларникидан, дейлик, бизникидан фарқлигини маълум қилиш билан ҳажвияга нуқта қўяди:

**Бу сўзимни японга айтсам,
Деди баттар қисиб кўзини:
«Япон бундоқ яшолмас
ҳеч ҳам,**

Харакири қилар ўзини».

Шеърда бадиий компонентларнинг завол билмас ифода воситаси сифатида қўлланганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Биринчи бандда «юз»нинг уч бор такрорланиши, шунингдек, ўзбекдаги «ўз»нинг «юз»га мос шамойил топиши шеърга ички ритмика, жарангдорлик бағишлаган. Шакл жиҳатдан айниятлик касб этган бу сўзлар тўрт хил маъно ифодалайди. Шу билан бирга «тўқдир-йўқдир», «япон-ўзбек», «юз-бир» каби ифода бирикларидан тазодий муносабат мавжуд. Шеърдаги «харакири»ни англаган бўлсангиз керак. Бу ўзимиздаги жонига қасд қилганга ўхшаш жуда хунук ҳолатдир. Японларда ор-ифтихор туйғуси бошқаларга нисбатан анча баланд. Бунга улар тинимсиз меҳнат ва ақл имкониятлари оқибатида эришганлар. Уларда уят, андиша биринчи ўринда туради. Япон кечириб бўлмас хатога, дейлик, жиноятга қўл урса, ўзини ўзи қурбон қилиши мумкин. Шу билан шахс миллий ифтихор, гурурини топтамаган бўлади гўё.

Эркин Воҳидовнинг «Ҳазрати Хизр ва замон аёли» шеърда аёлнинг, ўзбек аёлининг кийим-кечакка ўчилиги, тоғанини ўзининг устига сарфлаши ҳақидаги ҳаётвий ҳақиқат ҳажвия майдонига тортилган. Шоир айтмоқچики, бундай аёлларга ўзбек эркалари чидаб юрибди, улар билан яшаса, Ҳазрати Хизр ҳатто «хизр»ликдан ҳам воз кечиши мумкин экан. Шеър бир томоша қўрган қадар ўқувчига завқ бағишлайди. Чунки аёл Хизрнинг «тила тилагингни» деганидан хурсанд бўлиб, рўйхат туза бошлайди. Ҳажвия сўнгида муаллиф Хизрнинг Яратганга муносабати унинг чидамсизлигидан эмас, балки баднафс аёлга йўлиққанидан ниҳоятда афсусдалигини гоёя гўзал ифодалайди:

**Жувон лол қолмади,
арз қила кетди,
Рўйхат айта кетди беҳаду поён.
Ҳазрат чарчаб, ўлар
ҳолатга етди,**

**Хизр бўлганидан юз минг
пушаймон.**

**Шўрлик, кўкча қараб
ҳасратда, доғда**

**Деди: «Ишингни ол
ё парвардигор!**

**Йўқ эса, эй танграм,
ёруғ дунёда**

**Мени аёлларга дуч
қилма зинҳор».**

Эркин Воҳидов 2013 йилда мухлисларга навбатдаги ҳажвий китобини тортиқ қилган эди. «Табассум» номли мазкур салмоқдор китобни бемалол муаллифнинг навбатдаги сайланмаси дейиш мумкин. Унда шоирнинг деярли умри давомида битган барча сатирик ва юмористик асарлари жамланган.

«Табассум» китобида кулгисевар мухлислар кутмаган бир янгилик ҳам бор. Унда шоирнинг машхур қахрамони Матмуса энди иқтидорли шоир сифатида иштирок этади. Ўзгача айтганда, муаллиф баъзи бир мутойибаларни ўз номидан айтмай, бунга бош қахрамони зиммасига юклайди. Бироқ зукко китобхон янги шоирни ҳам, унинг шеърини ҳам аслида Э. Воҳидовнинг ўзи яратганлигини жуда яхши ҳис этиб туради. Дарвоқе, Э. Воҳидов бир пайтлар «Қизикувчан Матмуса» орқали қахрамонида шоирлик иқтидори ҳам мавжудлигига ишора қилган эди. Эсингизда бўлса, Матмуса жуда қизикувчанлиги сабабли симёғочга чиққан, унинг тепасидаги қоғоздан эса симёғочнинг бўялганини билиб қолган ва уйга келиб тўрт қатор шеър ёзган, шеърда эса замондошларига мурожаат қилиб, қизикувчан бўлсангиз, янги кўйлак киймангиз, деган тўпори насиҳат бор эди. «Табассум»да эса Матмуса тамомила янги фикр ва гоёлар тарғиботчиси, шу билан бирга маҳоратли шоир сифатида кўзга ташланади. Тўпلامда Матмусанинг асарлари алоҳида бўлимда зикр этилган. Уларнинг ҳаммаси ўн бешта, шундан ўн биттиси тўртлик шаклида. Матмуса ҳам негадир катта шоирларга ўхшаб оз ва саз сўлашни жуда хуш кўради. Мана, унинг «Насихат» номли шеърини кўрайлик:

**Бахт аршига чиққанинг
Оёғидан ушлама.**

**Худо ерга тикқанинг
Калласига муштлама.**

Бу ерда гап бахтли одамнинг гийбатга нишон бўлиши, у бечора бу кулфатдан ўлса ҳам қутулмаслиги ҳақида кетяпти. Шу боис Матмуса дунёдан ўтиб кетган одамни гийбат қилиш гуноҳ эканига эътиборимизни қаратган. Бу ибора биров кўпол, бироқ жуда самимий ифодаланган. Умуман, Матмуса шеърларида ҳам турмушнинг у ёки бу иллатлари енгилгина юмор тили билан фош этилади.

Рус ёзувчиларининг «Биз Гогольнинг «Шинел»-идан чиққанмиз», деган бир гапи бор. Назаримизда, XX асрнинг иккинчи ярмида етишган ўзбек шоирларининг кўпчилиги, айниқса, ҳажвчилар Эркин Воҳидов шеърятининг майин шабадалари таъсирида ижод боғига кириб келган.

**Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ,
филология фанлари
номзоди**

Сиддиқов Патхилонинг 05.06.02 — Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш ихтисослиги бўйича “Миллий оғри газламаларни ишлаб чиқариш технологияси жараёнларини ва параметрларини муқобиллаштириш” мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 29 сентябрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

**Манзила: Тошкент шаҳри, Шохжасон кўчаси, 5-уй.
Тел.: (0-371) 253-06-06; факс: (0-371) 253-36-17; e-mail: titlr_info@edu.uz.**

Эркинов Зокиржон Эркинбой ўғлининг 05.06.02 — Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш ихтисослиги бўйича “Пишитилган ип ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш орқали ип сифатини яхшилаш” мавзусидаги (техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 29 сентябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

**Манзила: Тошкент шаҳри, Шохжасон кўчаси, 5-уй.
Телефон: (0-371) 253-06-06; факс: (0-371) 253-36-17; e-mail: titlr_info@edu.uz**

Ешбаева Улбосин Жамаловнинг 05.02.03 — Технологик машиналар, роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари ихтисослиги бўйича “Таркибга симметрия полимерлар киритилган офсет қоғози ва унинг бома-техник хоссалари” мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 30 сентябрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

**Манзила: Тошкент шаҳри, Шохжасон кўчаси, 5-уй.
Тел.: (0-371) 253-06-06; факс: (0-371) 253-36-17; e-mail: titlr_info@edu.uz**

Рузметов Мансурбек Эркиновичнинг 05.06.02 — Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш ихтисослиги бўйича “Ёлқ омборга пахтаги гарамлаш ва бузилиши самарали ресурстежамкор технологиясини яратиш” мавзусидаги (техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 30 сентябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

**Манзила: Тошкент шаҳри, Шохжасон кўчаси, 5-уй.
Тел.: (0-371) 253-06-06; факс: (0-371) 253-36-17; e-mail: titlr_info@edu.uz**

